

ISSN: 2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

1-СОН

ЯНВАРЬ, 2023



IMFAKTOR  
PAGES



**ISSN: 2181-4031**  
**DOI Journal 10.56017/2181-4031**

**ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ  
ИССЛЕДОВАНИЯ  
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ  
НОМЕР-1**

**ФУНДАМЕНТАЛ  
ТАДҚИҚОТЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ  
1-СОН**

**FUNDAMENTAL STUDIES  
SCIENTIFIC-PRACTICAL JOURNAL  
VOLUME-1**



**ТОШКЕНТ - 2023**

**ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР**  
**илмий-амалий журнали**  
**№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-1>**

**Бош мухаррир:**

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

**Масъул мухаррир:**

Расурова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Таҳририят аъзолари:**

Кенжабаев А.	– иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расурова Д.	– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Саттаров О.	– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Исҳоқов М.	– тарих фанлари доктори, профессор
Абдуҳалимов Б.	– тарих фанлари доктори, профессор
Каримов Б.	– тарих фанлари номзоди, доцент
Мадумаров Т.	– юридик фанлар доктори, профессор
Қодиров Б.	– юридик фанлар доктори, доцент
Қиличев Х.	– юридик фанлари бўйича фалсафа доктори
Баҳодиров Р.	– фалсафа фанлари доктори, профессор
Саифназаров И.	– фалсафа фанлари доктори, профессор
Идиров У.	– сиёсий фанлар доктори, профессор
Абдуллаев Н.	– сиёсий фанлар номзоди, доцент
Сатторов А.	– сиёсий фанлар номзоди, доцент
Умаров А.	– социология фанлари доктори, профессор
Матибаев Т.	– социология фанлари доктори, профессор
Каюмов К.	– социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

**Page Maker\Верстка\Сахифаловчи: Абдураҳмон Ҳасанов**

**Таҳририят манзили:** <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-үй.

**Телефон номер:** +99894-410 11 55, **E-mail:** [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

**© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.**

**© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.**



ШОМИРЗАЕВ Саходулла Хасанбоевич  
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги  
хузуридаги Божхона қўмитасининг Божхона институти  
факультет бошлиги ўринбосари

ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ  
ВА ФОШ ЭТИШДА КРИМИНАЛ ПРОФАЙЛИНГ МЕТОДИНИ  
ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Иқтибос келтириш учун:** ШОМИРЗАЕВ С.Х. Жиноятларни тергов қилиш ва фош этишда криминал профайлинг методини қўллаш масалалари // Фундаментал тадқиқотлар. № 1 (2023) Б. 92-97.

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.7566687>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур илмий мақолада жиноятларни тергов қилиш ва фош этишда криминал профайлинг методини қўллашнинг моҳияти ва аҳамияти, бу борада мавжуд хорижий тажриба ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** хулқ-атвор, жиноят субъекти, профиль, тергов ҳаракатлари, криминал профайлинг, вербал ва новербал белгилар, зўравонлик, жиноятчи, жиноий фаолият, ҳодиса жойи, кўрсатувлар.

### АННОТАЦИЯ

В данной научной статье описаны сущность и значение использования метода криминального профилирования при расследовании и раскрытии преступлений, а также существующий зарубежный опыт в этом отношении.

**Ключевые слова:** поведение, субъект преступления, профиль, следственные действия, криминалистическое профилирование, вербальные и невербальные признаки, насилие, преступник, преступная деятельность, место преступления, показания.

### ANNOTATION

This scientific article describes the essence and significance of using the method of forensic profiling in the investigation and detection of crimes, as well as the existing foreign experience in this regard.

**Keywords:** behavior, subject of crime, profile, investigative actions, forensic profiling, verbal and non-verbal signs, violence, offender, criminal activity, crime scene, testimony.

Профайлинг тизими ҳозирги замонда барча соҳаларда назоратни амалга оширадиган ҳамда кундалик фаолияти давомида турли шахслар билан мулоқотда бўладиган давлат хизматчилари учун зарур ва фойдали бўлиб қолмоқда. Профайлинг луғавий жиҳатдан “шахс параметрларини аниқлаш” маъносини билдиради, лекин кенг маънода эса алоҳида тизим сифатида шахснинг ташқи кўриниши, вербал ва новербал ҳамда хусусий белгиларни таҳлил қилиш асосида шахс хулқ-атворини прогноз қилиш ва баҳолаш методикаси ҳамда психологик усуслари йиғиндиси ҳисобланади [1, Б.8].

Профайлингдан фойдаланиш ҳозирда айрим соҳаларда устувор йўналиш касб этган бўлсада, бу атаманинг келиб чиқиши жиноятчиликни фош этиш, содир этилган жиноят бўйича олиб борилаётган тергов ҳаракатларининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ. Яъни профайлинг дастлаб номаълум шахснинг психологик портретини жиноят содир этилган жойда қолдирилган излари бўйича тузиш борасида қўлланилган.

Хорижда қўлланаётган мазкур профайлинг методини иккита катта йўналишга бўлиб ўрганилади. Жумладан, улардан бири криминал профайлинг бўлиб, у асосан Европа ва АҚШда кенг татбиқ этилган. Иккинчиси эса транспортдаги профайлинг деб аталиб, ушбу йўналишдаги профайлингни қўллаш бўйича Истроил ва Россиянинг тажрибаси юқори.

Жиноятларни тергов қилиш ва фош этишда криминал профайлинг йўналиши муҳим аҳамият касб этади. Криминал профайлинг, одатда, жиноий хатти-харакатларни содир этган шахсларнинг хулқ-атворини ўрганишга қаратилган йўналиш бўлиб, унинг методологик асоси психологиянинг “бихевиористик” назариясига, яъни инсон хулқ-атворини ўрганишга таянади, унда инсон ҳаракатларини юзага келтирувчи мотивлар бевосита таҳлил қилинади [2, Б.28].

Буюк Британия, Австрия, Германия ва бошқа Европа мамлакатларининг тергов органлари тизимида фаолият олиб бораётган психолог мутахассислар жиноятларни фош этишда тажрибали ходимларга бу борада амалий қўмак бериб борадилар. Улар криминал профайлинг усулини шахснинг хулқидаги ноодатий ҳаракатларни қай услубда амалга оширганлиги, худуд географик жойлашувининг ўзига хос хусусиятларини воқеа жойида жиноят содир этган шахс томонидан қандай излар қолганини психологик таҳлил қиласилар.

Жиноятларни тергов қилишда криминал профайлингдан фойдаланиш амалиёти 1956 йилда, Нью Йорк полицияси “Ақлдан озган бомбардимончи” деб аталган жиноятчини қидираётган вақтда бошланган [3, Б.30]. Жиноятчининг шахсини аниқлай олмаган полиция криминалистик лаборатория ҳамда ишга жалб қилинган психиатр ёрдамида жиноят иши материаллари, ашёвий далиллар, ҳодиса жойида олинган суратлар, жиноятчидан қолган излар, яъни унинг хатлари асосида унинг ички дунёси, келгусидаги режалари тўғрисида маълумотларни аниқлаган ва шу асосда жиноятчининг профили яратилиб, ушбу профил асосида жиноятчи қисқа муддатда қўлга олинган.

Психиатр ўз ёндашувини реверсив психология деб атаган, кейинчалик эса криминал профайлинг дейила бошланди.

ХХ асрнинг охирларида Ғарбда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан профайлинг методини фаол қўллаш бошланган, ҳаттоқи тизим ҳолатига келтирилиб, дастурлар яратила бошланди. Хусусан, АҚШда жиноятлар бўйича шахсни профиллаш Федерал қидирув бюроси зўравонлик ишлатилган серияли жиноятларни фош этишга қўмаклашиш мақсадида йўлга қўйилиб, ана шу турдаги жиноятларни содир этган шахсларни ушлаш юзасидан VICAP (Violent Criminal Apprehension Program) дастури ишлаб чиқилган.

Психологик профилни яратиш жиноятни тергов қилиш ва фош этиш методи сифатида серияли қотилликларни ўрганиш асосида АҚШ Федерал қидирув бюроси Миллий академиясида ташкил этилган Бихевиористик бўлим (FBI Behavioral Sciences Unit, BSU) мутахассислари жиноятчининг психологик портретини тузиш методидан фойдаланишни йўлга қўйишиди. Ушбу методни қўллаш орқали жиноий фаолиятнинг таҳлили асосида аввалдан жиноятчининг шахси ўрганилиб, унинг психологик хусусиятлари ҳақида тахминлар умумлаштирила бошланди. Ана шу тахминлар асосида тўпланган маълумотларни йиғиш ҳамда ушбу маълумотлардан тергов ҳаракатлари мобайнида самарали фойдаланиш мақсади эса VICAP дастурининг яратилишига олиб келди.

Бундан ташқари, Канада полицияси томонидан профайлингдан фойдаланиш борасида асос солинган VICLAS (Violent Crime Linkage Analysis System) дастури эса Австрия ва Германияда ҳам фойдаланиб келмоқда. Бу дастурлар жиноят содир этилган ҳодиса жойида қолдирилган излар ҳақидаги барча маълумотлар киритилган база ҳисобланади. Асосий мақсад терговга қўмаклашиш бўлиб, дастурнинг моҳияти хулқ-авторга оид кўрсаткичлар акс этган психологик портрет тузишда намоён бўлади. Унинг аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, дастурда жиноятчининг шахсий хислатлари эмас, балки кутилаётган хулқи акс этади.

Европалик мутахассислар жиноятчининг психологик портретини ёмон ва яхши портрет тарзида тушиб чиқишган. Яхши портретда жиноятчиларнинг сони, ёши, жойи, муқаддам содир этган жиноятлари ва ҳозирда нима билан бандлиги тўғрисида маълумотлар кўрсатилилади. Ёмон портретда эса жиноятчи шахснинг психологик хусусиятлари, унинг хулқ-автори, шахвоний фантазиялари, дисфункционал болалиги, жиноятчининг шахсига оид шахвоний оғишлар ёки дисфункция кабилар ўрин олган. Бундан кўринадики, яхши психологик портретда терговга ёрдам берадиган ва реал фактлар билан тасдиқланиши мумкин бўлган ахборот мавжуд бўлади. Криминал психолог жиноятга оид барча маълумотлар ва келиб тушаётган барча ҳолатлар ва фактлардан фойдаланиб, барча маълумотлар асосида психологик портрет тузади.

Россия Федерациясида ҳам криминал профайлингни ўрганиш давомида жиноят белгилари ва жиноятчи билан алоқа ўрнатишга доир турли илмий-методик ёндашувлар мавжуд.

Бунга криминалистик-психологик ёндашув доирасида Л.Г. Видоновнинг “типик тимсоллар” бўйича, Г.А. Густовнинг “дастурий мақсад услублари” бўйича, шунингдек криминологик ёндашув доирасида Ю.М. Антоняннинг “қидирув профиллари” бўйича ҳамда А.И. Скрипниковнинг “жиноятчи профили” бўйича илмий-тадқиқот ишлари яққол мисол бўла олади. Профайлинг методи жиноятларни тергов қилиш жараёнида ишни олиб бораётган ходимларга давом этаётган жиноятларни аниқлаш ва тўхтатиш, бир неча шахслар орасидан жиноят субъективини ажратиб олиш, хавфни олдиндан башорат қилиш имкониятини беради. Шунингдек, профайлинг хизматининг тергов процессида жорий этилиши касбий кузатувчанлик, ҳодиса жойидаги ёки тергов ҳаракатлари билан боғлиқ маълумотларни таҳдил қилиш, содир этилган жиноят билан боғлиқ шахсларнинг хулқи, уларнинг берган ҳаракатларида ва кўрсатувларида шубҳа уйғотувчи аломатларни аниқлаш, тергов ҳаракатларини ўтказишда процесс иштирокчилари билан юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда самарали ҳисобланади. Терговчилар ва тезкор ходимлар ҳам ўз фаолиятларида криминал профайлингдан фойдаланишга ҳақлидирлар. Мутахассис томонидан гумон қилинаётган жиноятчининг малакали тузилган суд-тиббий профили ва уни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан амалиётда моҳирона қўллаш дастлабки тергов муаммоларини қуидаги йўналишларда мумкин қадар тезрок ҳал қилиш имконини беради:

- жиноятни очиш;
- айбдор шахсни аниқлаш ва уни жиноий жавобгарликка тортиш;
- жиноят иши билан боғлиқ барча ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириш;
- далилларни аниқлаш ва уларни кейинчалик суд муҳокамасида фойдаланиш учун процессуал таъминлаш;
- жиноят содир этган шахсларнинг айбланувчи сифатида қонуний ва асосли жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлаш, айбсиз шахсларнинг жавобгарликка тортилишига йўл қўймаслик;
- жиноят содир этилишига ёрдам берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш [4, Б.72].

Шуни таъкидлаш жоизки, профайлинг тизимидан фойдаланишда унда мавжуд яна бир йўналишга алоҳида эътиборга бериш лозим бўлади. У этник профайлинг бўлиб, тизимда муаммоли ҳодиса ҳисобланади. Ушбу йўналишда шахснинг келиб чиқишига қараб, шахсни хавф гурухига киритиш, унга нисбатан кучайтирилган назоратни амалга ошириш умуминсонийлик жиҳатдан унинг этник жиҳатдан мансуб халқлар учун ҳақорат бўлса, ҳуқуқий жиҳатдан қонун олдида тенглик тамойили бузилишига олиб келиши мумкин.

Хусусан, ёнида арабча ёзувдаги китоблар кўтариб олган ёки Ислом динига эътиқод қилинишини билдирувчи соқол кўйиб олган ёки хижоб, никоб ёки бурқа кабиларни кийиб олган шахсларга нисбатан профайлинг тизимини қўлланилиши, қўллангандаям асоссиз равишда муайян жиноятни содир этишда ёки унга суиқасд қилишда гумон қилиниши Ислом динига эътиқод қилувчи халқларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Бу борада бизнинг миллий қонунчилигимизда қонун олдида барчанинг тенглиги тамойили мустаҳкамлаб қўйилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 16-моддасида “жиноят ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиши” кўрсатилган.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, хукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноятларни тергов қилиш вақтида самарали натижаларга қисқа муддатларда эришилиши психологияк билимлар асосидаги илмий-амалий методика ва технологияларни кенг қўлланилиши билан характерлидир. **Шунинг учун ҳам бугунги кунда мазкур йўналишда бир қатор таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ:**

**Биринчидан,** тергов органларида ташкил этилган криминалистик лабораториялар фаолиятига, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ҳаракатларига криминал профайлинг соҳасида мутахассис бўлган профайлерларни жалб этиш;

**Иккинчидан,** криминал профайлинг асосида шакллантирилган маълумотларни республиканинг барча тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, тергов ва суриштирув фаолиятини амалга оширувчи органлари тизимида муайян дастур асосида бирлаштириш;

**Учинчидан,** тергов органлари ходимларини полиграф, яъни ёлғон детектори ҳамда профайлинг техникаси бўйича ўқитишни кенг йўлга қўйиш, юз мушакларининг ўзгариши билан боғлиқ эмоционал кодировкани (Facial Action Coding System) ўрганишларини йўлга қўйиш;

**Тўртминчидан,** жиноят процессининг ҳар бир босқичида криминал профайлингни қўллаш борасида илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш лозим бўлади.

Ҳозир кунга келиб профайлинг методини Ўзбекистонда ҳам турли соҳаларда татбиқ этиш масаласида тезкор-қидирув, терговга қадар текширув ва суриштирув ўтказишга ваколатли бўлган божхона органлари фаолиятида амалга оширилаётган ишлар намуна бўла олади. Хусусан, халқаро аэропортларда мавжуд божхона постларида ташкил этилаётган “божхоначисиз божхона” назорати ўрнатилиши ҳам бевосита профайлинг тизимини жорий этиш билан боғлиқ. Бу божхона чегарасида содир этиладган жиноятларга қарши курашиш, потенциал жиноятчиларни ўз вақтида ушлаш ва жавобгарликка тортиш, божхона пости орқали ҳаракатланаётган потенциал хавфсиз йўловчилар учун шартшароит яратиш имконини беради.

Жиноятларни тергов қилишда профайлинг методини қўллаш орқали очилмай қолган жиноятларни фош этиш, бир гурӯҳ жиноятчиларнинг ёки уюшган жиноий гурӯҳ фаолиятига чек қўйиш, айбсиз шахсларнинг айбдор бўлиб қолишини олдини олиш чораларини кўриш мумкин. Бунинг учун эса бу соҳада илмий изланишлар олиб бориш, тергов жараёнида профайлингни қўллаш бўйича самарали методологиясини ишлаб чиқиши талаб этилади.

## ИҚТИБОСЛАР

1. M.S.Qodirov. Bojxona profaylingi. O‘quv qo‘llanma.-T. BI, 2022-y.-180 b.
2. М.С.Қодиров, С.Шомирзаев. Божхона профайлинги. Маъruzalар курси.  
- Т. :БИ, 2019 й. - 184 б.
3. Асямов С.В. Криминалистический профайлинг: понятия и становления.  
– Ташкент: “ЮРПСИ”, 2022, 180 с.
4. Манова Н.С., Францифоров Ю. В. Уголовный процесс: конспект лекций.  
-М.: Юрайт-Издат, 2007. - 176 с.